


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети**

АЛИМОВА ГУЗАЛ АБДУХАКИМОВНА

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШ АСОСЛАРИ



**Мустақиллигимизнинг 20 – йиллигига бағишланган
илмий-услубий қўлланма**

Т О Ш К Е Н Т - 2011

**Тузувчи: Алимова Гузал Абдухакимовна - и.ф.н., доц в.б. ЎзМУ,
Иқтисодиёт факультети**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кишиларнинг шахсий ташаббусларига, имкониятларига ва моддий пул маблағларига асосланади. Айнан **иқтисодий ташаббус**, мулкка эгалик ҳиссини шакллантириш ва ривожлантиришда устивор аҳамиятга эга. Чунки тадбиркорлик кишиларни иқтисодий эркинликка ўргатади, уларда хўжалик фаолияти турини мустақил танлаш имкониятини шакллантиради. Шу боис, ёшларимизга бугунги кун талабига жавоб берадиган иқтисодий билимларни беришимиз, давр талаби эканлиги ушбу илмий-услубий қўлланмада ўз аксини топган.

Мазкур қўлланмадан фойдалана билган ёшларимишнинг иқтисодиёт соҳасида билимлар янада ошишига ва бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жараёнини тўлиқ тушуниб етишига имонимиз комил, десак муболаға эмас. Шунинг учун ушбу илмий-услубий қўлланма талабалар, магистрлар ва аспирантлар учун содда тилда ёзилиб ўз фаолиятларида кенг қўллаш учун тавсия этилади.

Такризчилар:

Ушбу илмий-услубий рисола ОПИ илмий-услубий кенгашида муҳокама қилиниб, нашр этишга тавсия этилди(№11 май ойи, 2011 йил)

К и р и ш

Юртимизда мулкчилик тўғрисидаги турли –туман қонун ва қарорларнинг қабул қилинаётгани, давлат мулкани хусусийлаштириш сингари кенг қамровли тадбирларнинг ишлаб чиқиляётгани бежиз эмас. Буларнинг бари олдин мулкка эгалик ҳуқуқини қўлга киритиш, сўнгра ҳар томонлама адолатли бозорни вужудга келтиришдек туб иқтисодий ислоҳот сиёсатининг асосидир. Туб ислоҳотларни ташкил этишдаги тўғри йўлларимизнинг асоси ана шунда. Шунинг назарда тутиб Президентимиз 2011 йилни **“Кичик бизнес ва тадбиркорлик йили”** деб рамзий ном бериб, бу йўналишдаги муаммо ва масалаларни оптимал ечишга мўлжалланган **Дастур** ишлаб чиқишни йўлга қўйди.. Давлат бошқаруви, янги ижтимоий-сиёсий тузумни вужудга келтиришдаги сиёсати ҳам ана шунда. Бундай инқилобий ўзгаришлар даврида шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Бу жараёнларни амалга ошириш инсонлар (айниқса, ёшлар)дан табиий ҳолда, ўта сабр-тоқатни, эпчиллик ва хушёрликни талаб қилади. Чунки мамлакатимиз ўз халқи танлаб олган йўл – очик, эркин бозор иқтисодиётига асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан босқичма-босқич олға бормоқда.. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: **”Бу вазифаларни ҳал этиш учун эса, қудратли давлат, юксак малакали, ахлоқан баркамол ходимлар керак. Биз оддий ҳақиқатни тушуниб етишимиз керак: бизнинг давлатимиз, жамиятимизни биров четдан келиб қуриб бермайди. Уни шу мамлакат фарзандлари бунёд этади”**^{*}.

^{*} Каримов И.А. “Юксак малакали мутахассислар –тарққийёт омили”, Т.:”Ўзбекистон”, 1995й.

Шу боис, иқтисодиётнинг келажаги тадбиркорнинг ўз қўлида бўлади, десак муболаға эмас. Бунда тадбиркорларнинг ишбилармонлик фаолияти шахсий ҳаётининг ажралмас қисмига айланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шаклланиш асослари

Моҳиятан олиб қараганда, дунёнинг барча мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам кичик бизнеснинг ташкил этилиш мақсадлари ва фаолият кўрсатиш асослари деярли бирхил мазмун ва аҳамият касб этади. Бироқ турли мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланганлик даражаси ва ўзига хос шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда, улардаги кичик бизнес субъектларини аниқлашда турлича ёндашилади. Бунда асосан кичик бизнес фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ёки мезонларидан фойдаланилади. Масалан,

- якка тартибдаги тадбиркор; микрофирмалар: ишлаб чиқариш тармоқларида 20 кишигача;
- хизмат кўрсатиш ва нон ишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида 10 кишигача;
- улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишигача фаолият олиб бориш мумкин.
- Кичик корхоналар: енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебель саноати ва қурилиш материаллари саноатида 100 кишигача;
- машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта

ишлаш, курилиш ҳамда бошқа саноат ишлаб чиқариш соҳаларида 50 кишигача;

- фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган бошқа соҳаларда 25 кишигача шахс фаолият кўрсатиши мумкин.

Кичик ва ўрта бизнеснинг аҳамияти қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади:

- Кичик ва ўрта бизнес – аҳолининг асосий қисми учун меҳнاتини қўллайдиган жабҳа ва даромад манбаидир.
- Кичик ва ўрта бизнес корхоналари бутун иқтисодиётнинг самарадорлигини сезиларли даражада оширади ва иқтисодиётнинг ҳудудий тузилмасини яхшилайдди.
- Алоҳида шахс учун ҳам кичик бизнеснинг манфаати жуда катта. Улар учун кичик ва ўрта бизнес қуйидагилар манбаидир:
 - бандлик ва даромадлар;
 - ўз келажагини яхшироқ бошқариш имконияти;
 - иш ва шахсий ҳаётни янада яхлитроқ бирлаштириш имконияти;
 - ўз ишини топиш, ўз қобилиятлари ва истеъдодини намоён қилиш имконияти.

Кичик ва ўрта бизнеснинг потенциал имкониятлари уни ривожлантиришга жиддий эътибор беришга мажбур қилади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес секторининг рағбатлантирилиши Республика ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳал қилувчи стратегик омилларидан ҳисобланади.

Хозирги кунга қадар, иқтисодиётнинг ушбу секторини ривожланишини белгилаб берувчи босқичлар мамлакатимизда бозор муносабатларининг босқичма-босқич асосда шаклланиб боришининг таъсири билан характерланади.

Биринчи босқич (1991-1995 йиллар). кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг шаклланиши ва улар миқдорининг кескин суръатларда ўсиши билан тавсифланади.

Иккинчи босқич (1996-1999 йиллар)да кичик бизнес субъектларининг ривожланиши олдинги босқичга қараганда маълум даражада сустралди.

Учинчи босқич (1999 йилдан ҳозирга қадар)- Ўзбекистонда кичик бизнес ривожланишининг янги йўналишини очиб берди. Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни ва республика ҳукумати томонидан бошқа қўплаб меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бугунги кунга келиб бундай чора-тадбирларнинг барчаси ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади. Шундай қилиб, 2000 йилдан бошлаб мамлакатимизда кичик бизнес ривожланишининг ўзига хос янги даври бошланди. Айнан шу соҳани жиддий йўлга қўйиш мақсадида Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган анжуманда **2011 йилни – “Кичик бизнес ва тадбиркорлик йили”** деб рамзий ном билан атаб, бу йўналишдаги муаммо ва масалаларни оптимал ечишга мўлжалланган **Дастур** ишлаб чиқишни йўлга қўйди..

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб ҳозирги кунга қадар кичик бизнеснинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш давлатнинг муҳим функцияларидан бири бўлиб келмоқда. Бугунги кунга қадар мамлакатимизда давлатнинг кичик бизнесни қўллаб-қувватлаши асосан қуйидаги йўналишларда амалга ошириб келинди:

- мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун лозим бўлган ҳуқуқий-меъёрий асос яратилди;
- кичик бизнеснинг ривожланишида устуворликлар белгиланди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг **Дастури** ишлаб чиқилди ва жорий этилмоқда;
- кичик бизнеснинг ривожланишига ёрдам берувчи бозор инфратузилмасига асос солинди;
- имтиёзли солиқ, субсидиялар, давлат ва бюджетдан ташқари фондлардан бериладиган имтиёзли кредитлар, халқаро молия институтлари кредитларини жалб этиш кичик бизнес ривожланишини рағбатлантиради;
- ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга хорижий ва миллий валютада микрокредит бериш механизми ишлаб чиқилди ва жорий этилмоқда.

Ички бозоримизни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда биз учун энг зарури аҳолимизни, ўсиб келаётган ёшларимизни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда

айни шу соҳани тез ҳамда жадал суръатлар билан ривожлантириш энг асосий омиллардан бири эканлигини асло унутмасгимиз керак. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиб боришини таъминлаш орқали **“биз мамлакатимизда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланишига ва унинг тобора мустаҳкам бўлиб боришига эришмоқдамиз”*** Шу боис, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимизда ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчи, юртимизнинг тараққиёт йўлидан фаол қаноатлантирадиган кучга айланиб бормоқда. Масалан, ҳозирги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 74% ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани ҳам шундан далолат беради.

Тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий ва ҳуқуқий шакллари

Ўзбекистонда Фуқаролик кодексига мувофиқ, тадбиркорлик фаолиятининг қуйидаги ташкилий ҳуқуқий асослари шаклланган:

- хўжалик ширкати ва жамияти,
- ишлаб чиқариш кооперативи,
- унитар корхона ва бошқалар.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари эса ўз навбатида

1. тўлиқ ширкат,
2. коммандит ширкат,
3. масъулияти чекланган
4. қўшимча масъулиятли жамият,

* И.А.Каримов “ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган нутқи” Т: 2010йил 8 декабрь,“Халқ сўзи”

5. акциядорлар жамияти шаклида тузилиши мумкин.

Ушбу корхоналар иштирокчилари ўз ўрталарида тузилган шартномаларга мувофиқ ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ҳамда унинг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб берадиган ширкат **тўлиқ ширкат ҳисобланади**. Тўлиқ ширкат мулкени шакллантириш манбаси унинг қатнашчилари улушларидан ташкил топади. Тўлиқ ширкатга устав талаб этилмайди. У таъсис шартномаси асосида тузилади ва фаолият кўрсатади, унга барча қатнашчилар имзо чекадилар. Таъсис шартномасида ширкатнинг номи, жойлашган жойи, унинг фаолиятини бошқариш тартиби, ширкатнинг йиғма капитали миқдори ва таркиби, ҳар бир иштирокчи улушларининг ўзгариш тартиби кўрсатилади. Бу ерда яна улушларни қўшиш бўйича мажбуриятларни бузганликка тўлиқ ширкат иштирокчилари жавобгарлиги тўғрисида маълумот берилади. Тўлиқ ширкат фойда ва зарари унинг иштирокчилари ўртасида уларнинг йиғма капиталидаги улушига қараб пропорционал тақсимланади. Солиқ миқдорини аниқлаш учун ҳар бир иштирокчи фойдадаги ўз улушини ўзининг мавжуд даромадига қўшади ва шу суммадан солиқ тўлайди. Тўлиқ ширкат иштирокчилари ширкат мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулки билан солидар жавобгар бўладилар.

Коммандит ширкатда сал бошқачароқ ҳолат. “Коммандит ширкати” тўлиқ иштирокчилари билан бир қаторда ширкатнинг қарзлари бўйича ширкат фондига қўшилган ҳиссаси миқёсида жавоб берадиган иштирокчилар(коммандитлар)дан иборат. Коммандитлар ширкат томонидан тадбиркорлик фаолияти амалга

оширишда қатнашмайдилар. Коммандит ширкати ишончга асосланган ширкат номи билан ҳам аталади. Ишончга асосланган ширкат, тўлиқ ширкат каби уставга эга эмас. У барча тўлиқ иштирокчилар имзо қўядиган шартнома асосида тузилади ва фаолият кўрсатади.

Тадбиркорлик корхоналарининг кейинги гуруҳи – хўжалик жамиятлари:

- масъулияти чекланган жамият,
- қўшимча масъулиятли жамият,
- акциядорлик жамияти,
- шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтишдаги ҳозирги босқичида масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ) кенг тарқалди. Бундай жамият бир ёки бир нечта шахслар томонидан таъсис этилади. Унинг устав капитали таъсисчилар ҳужжатларида аниқланган улуши миқдорига бўлинади. Масъулияти чекланган жамиятнинг мажбуриятлари бўйича унинг иштирокчилари жавоб бермайдилар. Улар жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалари қиймати доирасида жавобгардирлар.

Қўшимча масъулиятли жамият иштирокчилари мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулклари билан қўшган ҳиссалари қийматига нисбатан ҳамма учун бир хил бўлган, жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланадиган каррали миқдорда солидар тарзда субсидиар жавобгар бўладилар. Демак, жамият мажбуриятлари бўйича ҳамма иштирокчилар шериклик (солидар) асосида каррали

миқдорда бир текисда қўшимча (субсидиар) жавобгар бўладилар. Бунда иштирокчилардан биронтаси банкрот бўлса, жавобгарлик бошқа иштирокчилар ўртасида уларнинг ҳиссаларига мутаносиб равишда тақсимланиши ҳам назарда тутилади.

Замонавий шароитларда тадбиркорликнинг кенг тарқалган шакли **акционерлик жамиятлари** ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги давлат ва маҳаллий корхоналарни хусусийлаштириш йўли билан яратилади. Акционерлик жамиятида унинг устав фонди муайян миқдордаги акцияларга бўлинган бўлади. унинг иштирокчилари акционерлик жамиятининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, лекин жамият фаолиятини амалга оширишдан келиб чиққан зарарлар учун уларнинг акциялари қиймати доирасида жавобгар бўладилар. Жамиятнинг мажбурияти бўйича акционернинг жавоб бериши ҳақида ҳам қоида назарда тутилади. Бундай қоида акциялар ҳақини батамом тўламаган акционерларга таалуқлидир. Улар ўзларига қарашли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида жамият мажбурияти бўйича биргаликда жавобгар бўладилар. **Акционерлик жамияти очик** ва **ёпиқ** бўлиши мумкин. Очик жамият иштирокчилари ўзларига тегишли акцияларни қолган акционерларнинг розилигисиз бошқа шахсларга беришлари мумкин. Бундай жамият ўзи чиқарган акцияларга очик обуна ўтказишга ва уларни эркин сотишга ҳақлидир. Ёпиқ жамиятнинг очик акционерлик жамиятидан фарқи, унда акциялар фақат ўзининг таъсисчилари (иштирокчилари) орасида ёки олдиндан белгилаб қўйиладиган бошқа шахслар доирасида тақсимланади. Бундай жамият ўзи чиқарган акцияларга очик обуна ўтказишга ёки уларни

сотиб олиш учун чекланмаган шахслар доирасида бошқача тарзда тавсия этишга ҳақли эмас. Ёпиқ акционерлик жамияти акциялари ушбу жамиятнинг бошқа акционерлари сотадиган акцияларни сотиб олишда устивор ҳуқуққа эга.

Хуллас, тадбиркорлик турли мулк шакллариининг оқилона уйғунлигига таяниши ҳам мумкин. Масалан, акционерлик жамияти доирасидаги тадбиркорликда жамоа, давлат ва хорижий капитал ҳам қатнашуви мумкин. Тадбиркорлик корхона(фирма)дан бошланади. Ишлаб чиқариш омиллари корхонада бирикиб, бу ерда меҳнат жараёни юз беради, жамиятнинг талаб-эҳтиёжини қондиришга қаратилган моддий маҳсулотлар ва хизматлар яратилади. Корхонанинг меҳнат тақсимоотида ўз ўрнига эгаллиги унинг эгаси томонидан мустақил тасарруф этилиши ва мустақил иш юритиши унинг иқтисодий эркинлигини таъминлайди.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш даврида корхоналар эркинлик даражасига қараб уч тоифага бўлинади:

- Давлат буюртмаси сақланган корхона,
- Буюртма ва бозорга ишловчи корхона,
- Фақат бозорга ишловчи корхона. Корхонанинг ушбу тури ҳақиқий мустақил ҳисобланади. Корхонадарнинг мулкӣ мақоми ва ҳўжалик юритиш услуби ҳам турлича бўлади. Жумладан,
 - Хусусий фирмалар,
 - Масъулияти чекланган жамоа фирмалар,
 - Масъулияти чекланмаган фирмалар,
 - Давлат корхоналари(фирмалар),
 - Аралаш фирмалар,

- Корхоналар бирлашмаси(**консорциум**),
- Фирма шохобчалари.

Корхоналар қайси турга мансуб бўлмасинлар, мустақил иқтисодий субъект ҳисобланади, лекин улар бозор орқали бир-бири билан доимо алоқада бўлади.

Фуқаролик кодексида шўъба ва қарам корхоналарга қуйидаги таъриф берилган^{*}:

Устав фондига ҳисса қўшишда хўжалик жамиятида иштирок этган жамият шўъба хўжалик жамияти дейилади.

Устав фондида иштирок устун мавқега эга бўлган хўжалик асосий хўжалик дейилади.

Хўжаликларнинг шўъба ва асосий даражага эга бўлиши, улар ўртасида тузилган шартномалар асосида ёки бири иккинчисининг қарорларига мувофиқ иш тутиши билан ҳам ифодаланади.

Қарам хўжалик жамиятлари анча бошқа иқтисодий статусга эга. Хўжалик жамиятида қатнашувчи жамиятнинг бири 20%дан кўпроқ ёки масъулияти чекланган жамиятнинг устав фондининг йигирма фоизидан кўпроғига эга бўлса, иккинчи жамият қарам хўжалик жамияти дейилади. Бундай жамият ҳам юридик шахс ҳисобланади.

Тадбиркорлик корхоналарининг ўзига хос ташкилий ҳуқуқий шаклларида бири - **ишлаб чиқариш кооперативлари** ҳисобланади. Фуқароларнинг шахсий иштирок этиш ҳамда аъзоларнинг иштирокчиларнинг мулк билан қўшиладиган пай бадалларини бирлаштириш асосида биргаликда ишлаб чиқариш ёки бошқа

^{*} Хошимов П.З., Умаров К.Ю., Толаметова З.А., Кўчкарров Т.К. “Иқтисодиёт назарияси”, Т: Университет нашриёти, 2003 й. 131 бет.

хўжалик фаолиятини олиб бориши учун аъзолик негизида ихтиёрий бирлашмаси ишлаб чиқариш кооперативи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида кооперация жисмоний ва юридик шахсларнинг турли хил иқтисодий ва ижтимоий фаолият соҳаларида умумий мақсадларга эришиш учун ташкилий расмийлаштирилган ширкат (жамоа) мулки шаклига асосланган ўз хоҳиши билан бирлашуви (кооперативлар)ни ўзида акс эттиради.

Унитар корхоналар тадбиркорлик корхоналари ўртасида алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзи мулк эгаси бўлмасдан унга мулкдор томонидан берилган мулк асосида фаолият юритувчи тижоратчи ташкилот унитар корхона ҳисобланади. Унитар корхонанинг мол-мулки бир бутун бўлиб, бўлинмасдир ва унга қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) корхона ходимлари ўртасида тақсимланмайди. Унитар тарзда фақат давлат ва муниципал корхоналар тузилиши мумкин. Унитар корхонанинг мол-мулки давлат ёки маҳаллий ҳокимиятнинг мулки ҳисобланиб, унга хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи билан берилади. Хўжалик юритиш ҳуқуқига эга корхона мулкдор ва ваколатли органнинг қарорига мувофиқ, оператив бошқариш ҳуқуқига эга корхона Ўзбекистон Республикаси мулки асосида Ўзбекистон ҳукумати қарорига асосан ташкил этилади.

Хусусий тадбиркорлик - хўжалик юритишнинг шундай ташкилий ҳуқуқий шаклики, унда мулк эгаси битта шахс ёки оила бўлади ва ўз фаолиятдан келган даромадни ҳаммасига эгалик қилади, бизнесдаги хавф-хатар ва таваккалчилик учун яқка ўзи жавоб беради. Тадбиркор оила фаровонлигини ўз меҳнати билан

таъминлайди. Шунинг учун ҳам худди шу ўрта синфнинг ўзи демократияни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашда етарли даражада жиддий ижтимоий куч сифатида майдонга чиқиши мумкин. Иқтисодий ислохотларга босқичма-босқич ўтиш жараёнида бундай синфнинг тузилиши ҳозирги Ўзбекистон раҳбариятининг ўзига хос дастури ҳисобланади. Бу республикада ижтимоий муҳитнинг изчил демократлаштириш курсига, демократия ғояларига содиқликнинг яна бир далилидир.

Юқорида айтилган фикрлар асосида шундай хулоса чиқариш мумкинки, бозор инфраструктурасини ташкил этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни бекиёс. Бозор иқтисодиётини тадбиркорликсиз тасаввур этиш ва унинг аҳамиятига етарли даражада баҳо бермаслик мумкин эмас.

Тадбиркорлик кишиларнинг шахсий ташаббусларига, имкониятларига ва моддий пул маблағларига асосланади. Айнан иқтисодий ташаббус, мулкка эалик ҳиссини шакллантириш ва ривожлантиришда устивор аҳамиятга эга. Чунки тадбиркорлик кишиларни иқтисодий эркинликка ўргатади, Уларга хўжалик фаолияти турини мустақил танлаш имкониятини ўргатади. Бизда тадбиркорлик мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. Тадбиркорлик тўғрисида қонун ва уни қўллаб-қувватлаш борасида норматив ҳужжатлар қабул қилинди ва улар амалда самарали ишламоқда. Мазкур ҳужжатларда тадбиркорларга ўз мол-мулкидан фойдаланиш эркинлиги, маҳсулотларни тақсимлаш мустақиллиги, ҳуқуқий тенглик, ихтиёрий ишга жойлаш, чекланмаган даромад олиш имкони кафолатланиши таъкидланади. Демак, тадбиркорлар

учун давлат томонидан қулай ижтимоий ва иқтисодий муҳитнинг яратилиши улар фаолият соҳасининг кенгайишига ва бойиб боришига сабаб бўлмоқда. Шу боис, иқтисодиётнинг келажаги тадбиркорнинг ўз қўлида бўлади, десак муболаға эмас. Бунда ишбилармонлик фаолияти шахсий ҳаётининг ажралмас қисмига айланади. Тадбиркорлар оила фаровонлигини ўз меҳнати билан таъминлайдилар, ишбилармонлиги билан эл оғзига тушадилар. Буларнинг ҳаммаси тадбиркорликнинг ижодий фаолиятга айланишига сабаб бўлади. Тадбиркорлик аниқ мақсад сарийўналтирилган ижодий фаолият бўлгани учун у иқтисодий муносабат сифатида ўзининг тамойилларига ва қоидаларига эга бўлади. Тадбиркорлик тамойиллари:

- Ишлаб чиқариш омилларининг барчасига ёки баъзи бирларига ва яратилган товарларга эгалик қилиш,
- Иқтисодий эркинликка эга бўлиш,
- Ишлаб чиқаришда масъулиятни ва таваккалчиликни ўз зиммасига олиши,
- Фойдага эга бўлиш ва ишлатиш,
- Тижорат сирига эга бўлиш,
- Рақобат курашида фаол иштирок этиш ва ўзининг гуркираб яшашига интилиш,
- Ҳалоллик билан иш юритиш.

Шу билан бир қаторда, тадбиркорлик иқтисодий муносабат сифатида ўзининг муайян қоидаларига амал қилиши зарур.

Бозор иқтисодиётида мулкчилик шакллариининг турлитуманлиги боис, тадбиркорликнинг ҳам ҳар хили бўлади. Уларни

хусусий фаолият билан чеклаб бўлмайди. Хусусий тадбиркорлик билан бир қаторда жамоа, индивидуал - оилавий, давлат, қўшма тадбиркорликлар ҳам бўлади. Тадбиркорлик фирма (корхона)дан бошланади. Ишлаб чиқариш омиллари корхонада бирикиб, бу ерда меҳнат жараёни юз беради, жамиятнинг талаб-эҳтиёжини қондиришга қаратилган моддий маҳсулотлар ва хизматлар яратилади. Корхонанинг меҳнат тақсимоотида ўз ўрнига эгаллигининг эгаси томонидан мустақил тасарруф этилиши ва мустақил иш юритиши унинг иқтисодий эркинлигини таъминлайди.

Тадбиркорликнинг ташкилий –иқтисодий шакллари тадбиркорлар фаолиятини ташкил қилиш соҳаси бўйича келишувларни тавсифлайди. Улардан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

Картел – бир тармоқ тадбиркорлари ўртасидаги нархлар, маҳсулот сотиш бозорлари, ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги уларнинг улушлари, маҳсулот ўлчамлари ва шу кабилар ҳақидаги келишувлар.

Синдикат – бир тармоқ тадбиркорлари томонидан ортқча рақобатни бартараф қилиш, барқарор фойда олиш мақсадида маҳсулот сотишнинг бирлаштирилиши.

Консорциум - тадбиркорларнинг йирик молиявий операцияларини биргаликда амалга ошириш мақсадида бирлашуви.

Концерн – қатнашиш тизими орқали корхоналарни назорат қилувчи кўп тармоқли ҳиссадорлик жамияти.

Тадбиркорликнинг санаб ўтилган ташкилий-иқтисодий шакллари бозорни назорат қилиш монополистик бирлашмалар ҳисоб-

ланади. Шу сабабли, давлат рақобатчилиқ муҳитини таъминлаш учун монополияларга қарши қонунлар қабул қилди.

Агробизнес ва унинг турлари

Агробизнес – бу қишлоқ хўжалиғи соҳасидаги бизнес бўлиб, у бозор тизимининг таркибий қисмини ташкил этади. Бунга қишлоқ хўжалиғи билан боғлиқ бизнес турлари киради, яъни қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиш билан боғлиқ бўлган тадбиркорликдир. Агробизнеснинг мақсади – бозорни керакли маҳсулотлар билан таъминлаш ва шу орқали фойда кўриш. Агробизнес иштирокчилари:

- Тадбиркор фермерлар,
- Қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланувчи саноат тадбиркорлари,
- Шу маҳсулотларни сотиш билан шуғулланувчи тижоратчилар,
- Банклар, суғурта ва молия компаниялари.

Агробизнес фаолияти аҳолини озиқ-овқат билан саноатни эса хомашъё билан таъминлайди. Шу иккала шарт бажарилганда фойда келади. Агробизнес гуллаб-яшнаши учун унга катта инвестиция сарфлаш, техника янгиликларини киритиш, замонавий ускуналардан фойдаланиш лозимю Агробизнес агросаноат комплекси асосида ривож топган бўлиб, унинг қуйидаги турлари мавжуд:

- Фермер хўжалиғи,
- Агрофирмалар,
- Агросаноат бирлашмалари.

Агробизнеснинг **биринчи бўғини** фермер хўжалигидир. Чунки улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ижарага олган ерларда ёки ўз ерларида яратадилар.

Агробизнеснинг **иккинчи тури** агрофирмаларда амалга оширилади. Булар муайян турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, уни саноат усулида қайта ишлашни қўшиб олиб боровчи корхона. Бу корхона истеъмолга тайёр маҳсулот етказиб беради.

Агробизнеснинг йирик **учинчи тури** – агросаноат бирлашмаларидир. У бирнеча корхона ва хўжалик фаолиятини интеграциялаштиради. Демак, агросаноат бирлашмалари бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб бериш билан шуғулланувчи халқ хўжалиги тармоқларининг жами ҳисобланади ҳамда 4та соҳани ўз ичига олади:

1. Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситаларини етказиб берадиган саноат тармоқлари,
2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ўзи.
3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини истеъмолчига етказиб беришни таъминлайдиган тармоқлар(қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, ташиб бериш, сотиш),
4. Қишлоқ хўжалик инфраструктураси – йўл, транспорт хўжалиги, алоқа, моддий-техник хизмат.

Агросаноатнинг кичик комплекслари- дончилик, сабзавотчилик, пахтачилик, сутчилик, паррадачилик в х.

Шуни назарда тутиш керакки, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти табиий биологик жараёнга боғлиқдир. Шу боис, уларни бошқариш марказдан эмас, балки қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ўзига эркинлик, мустақиллик бериш мақсадга мувофиқдир. Бунинг устига деҳқончилик ишлари мавсумий бўлгани туфайли ишлар йил давомида узлуксиз олиб борилмайди. Бу ишчиларни бўш пайтларда Банд этиш муаммоларини келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқарилган маҳсулот шуернинг ўзида қайтадан ишланиши амалга оширилиши керак бўлади. Қишлоқ хўжалигининг кўп тармоқларида, айниқса, деҳқончиликда меҳнат сарфлаш билан маҳсулот олиш ўртасида вақт жиҳатдан узилиш мавжуд. Меҳнат бутун йил давомида сарфланади, маҳсулот эса маълум вақтдан кейин олинади. Шу боис, меҳнатни ташкил қилиш, ҳақ тўлашда маълум қийинчиликлар вужудга келади. Буни оқилона ташкил этиш учун ижара ва ижара пудратидан фойдаланишга тўғри келади.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Каримов И.А. “Юксак малакали мутахассислар – тарққиёт омили”, Т:”Ўзбекистон”, 1995й.
2. И.А.Каримов “ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган нутқи”, Т: Халқ сўзи, 2010йил 8 декабрь
3. Хошимов П.З., Умаров К.Ю.,Толаметова З.А.,Кўчкарров Т.К. “Иқтисодиёт назарияси”,Т: Университет нашриёти, 2003 й. 131 б.

Мундарижа

Кириш	3
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шаклланиш асослари	4
Тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий ва ҳуқуқий шакллари	8
Агробизнес ва унинг турлари	18

